



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 11 август, № 157 (4820)

Сешанба


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 август куни Оқсаройда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили Ан Санг Суни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалалари, кўплаб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар борасида ҳамфикрдир. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш билан бирга, халқаро майдонда бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида парламентлараро алоқалар фаоллашмоқда. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасида парламент делегация-



ларининг ташрифлари йўлга қўйилган. Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий

Корея кўплаб соҳаларда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш

ҳажми 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига

киритган сармоясининг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Гуманитар ҳамкорлик

изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестивал, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ан Санг Су самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам барча соҳаларда кенгайтириб бораверишга тайёр эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Президентига йўлаган мактубини топширди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларида доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

Сарвар ЎРМОНОВ  
олган сурат.

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**БУХОРО.** Вилоятнинг Пешку туманидаги Қалаймиришкор қишлоғи ёшлари учун мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги байрамига муносиб совға хозирланди.

### Ёшлар учун совға

Бу ерда 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежининг уч қаватли замонавий биноси қад ростлади. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 650 миллион сўм бўлган объектни "20-трест" масъулияти чекланган жамиятининг 9-вакиллиги бунёдкорлари қуриб битказишди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**НАМАНГАН.** Вилоятдаги транспорт ва ахборот коммуникациялари касб-ҳунар коллежи, мана, беш йилдирки, кадрлар тайёрлашда Германия техника маркази билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

### Битирувчиларга халқаро сертификат

Шу йўналишдаги лойиҳани амалга ошириш мақсадида, ўқув даргоҳи мазкур давлатда ишлаб чиқарилган энг замонавий алоқа технологиялари билан жиҳозланган.

Эътиборли жиҳати, коллежининг ахборот технологиялари йўналишида таҳсил олган талабаларга мутахассислик дипломи билан бирга, Германия техник марказининг халқаро сертификати ҳам топширилади. Жорий йилда 119 нафар битирувчи ана шундай ҳужжатга эга бўлди.

**Қ. НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**СИРДАРЁ.** Вилоятдаги барча умумтаълим мактаблари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

### Янги ўқув йилига хозирлик

Хусусан, бу йил Сардоба ва Боевут туманларидаги иккита мактаб ўқувчилари машғулотларни янги қурилган замонавий биноларда бошлайдилар. Шунингдек, мактабларнинг 28 таси жорий ва 24 таси мукамал таъмирланди.

**А. ШЕРНАЗАРОВ.**

**ХОРАЗМ.** Вилоятда қишлоқ аҳолисиغا савдо хизмати кўрсатишни ахшиллаш, бу борада замонавий технологияларни қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

### Давлат дастури — амалда

Натижада истеъмол бозори арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлапти, савдо шохобчалари сони ҳам ортиб бормоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида вилоятда 12 та жойда 24 та савдо шохобчасини янгидан қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди. Ҳозиргача Урганч туманининг "Дўрмон" ва "Чаккашолик" қишлоқларида 4 та янги савдо шохобчаси иш бошлади, 26 таси қайта таъмирланди.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Август ойи, айниқса, механизаторлар учун масъулиятли давр ҳисобланади. Нега деганда, бу пайтда ғўза майин, нам тупроққа ўта муҳтож бўлади. Унинг илдизи шундай тупроқдан, минераллардан, "шарбат" сувидан озуқа олади-да.

## ҒўЗА АСАДДА КУН САНАЙДИ

Айтмоқчиманки, шу ойда култивация сифатли бажарилиб, жўякларга сув ўз вақтида таралса, ғўза кунда бир яшнайди, ҳосилига ҳосил қўшилади. Тажрибали деҳқонлар "Ғўза асадда кун санайди", дейишининг маъноси шу.

Бу йил Фарғона водийсида сув тақчиллиги аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ сезилапти. Шу боис сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида биз, механизаторлар мироблар билан бамаслаҳат, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Ғўза қатор ораларига тупроқнинг нами қочмасдан, майин қилиб, кесак чиқармасдан ишлов бераёلمиз. Натижада тупроқдаги намлик одатдагидан беш кун-бир ҳафта кўпроқ сақланапти. Бу эса суғориш муддатини ҳам 4-5 кун

узайтириш имконини бераётир.

Айни пайтда фермер хўжалигимиз далаларидаги ниҳолларнинг ҳар тупида 10-12 тадан кўсак санаш мумкин, шоналар ва гулларнинг эса саноғи йўқ. Бу бугунга қадар ғўза қатор ораларига 5-6 марта ишлов берилганининг самарасидир. Шунинг билан олиб, парваришни йиғим-терим мавсумига сўсайтирмаслик пайдидан бўлаяпмиз. Мақсадимиз битта: экин ривожини тезлатиб, аввалги йиллардаги ҳолатига етказиб олиш. Ана шунда шартнома мажбуриятидан зиёд ҳосил тўпланишига ишончим комил.

**Лобиржон ЁҚУБОВ,**  
Тошлоқ туманидаги "Беш карам" фермер хўжалигининг механизатори.

## ЎЗБЕКИСТОН «LA LETTRE DIPLOMATIQUE» САҲИФАЛАРИДА

Францияда нашр этилувчи "La Lettre Diplomatique" журналининг июль ойи сонида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Журнал уч ойда бир марта нашр этилиб, Франциянинг расмий ва ижтимоий-сиёсий

доиралари, вазирлик ва идоралари, дипломатия корпуси, қароргоҳи Париж ва Брюсселда жойлашган халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, ОЭСР, ЕИ, ЕП, Европаниннг қатор давлатлари — Бельгия, Люксембург ва Швейцарияда тарқатилади.



Нашр ташқи сиёсат, дунё мамлакатларининг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги бўйича экспертларнинг фикрлари, давлатлар раҳбарлари ва кўзга

кўринган сиёсий арбобларнинг интервьюларини эълон қилади.

Мамлакатимизга бағишланган мақолаларда 18 йиллик мустақил ривожланиш давомида Ўзбекистон томонидан турли соҳаларда эришган ютуқлар, жумладан, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг турли секторларини ривожлантириш, инвестицион лойиҳалар, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат

дастурининг амалга оширилиши, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий сиёсат масалалари ёритилган.

Журналдаги мақолалардан бири "Ислохотларни амалга оширишнинг ўзбек модели жаҳон иқтисодий ҳамжамияти диққат-эътиборида" деб номланиб, Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришнинг йўллари ва чоралари" китобида келтириб ўтилган ғоялар ва хулосаларга бағишланган.

Мақолада айтилишича, Ўзбекистон Президентининг асарлари хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотган. "Мазкур асарнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, унда ҳар томонлама ва объектив тадқиқот асосида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, улар оқибатида юзага келувчи долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари борасидаги амалий хулосалар ва ғоялар илгари сурилган", деб ёзади "La Lettre Diplomatique".

(Давоми 2-бетда).

### БАНК ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикада тижорат банклари депозитларига жалб қилиниши нисбатан

**11** фоиз кўпайди.

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилиниши рағбатлантириш бўйича изчил чоратадбирларнинг амалга оширилиши туфайли мазкур тизимнинг барқарорлиги янада мустаҳкамланди.

Шу кунларда юртимиз маҳаллаларини айлансангиз, ободончилик, бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш юмушларидан бахридилангиз очилади. Хонадонлар остонасини ҳатлайсиз, одамлар кўнглига қўл солиб, ҳол сўрайсиз. Улар самимий сўзлайди. Юрт осойишталиги фаровонлигидан шукрона айтишади, эзгу ишга беш бўлаётганлар ҳақида дуо қилишади. Гап айланса, маҳалла микросидаги хайрли ишларга келганда, албатта, саховатпеша тадбирқору фермерлар номи тилга олинади.

## МИЛЛИЙ БОҒДА «МАҲАЛЛА КУНИ»

Кўчага асфальт ётқизган, гузару хиёбон бунёд эттирган, эҳтиёжманд маҳалладошларига меҳр-мурувват кўрсатаётганлардан миннатдор бўлишади. Уйлаб қоласиз: хўш, юртдошларимизни шундай хайрли мақсадлар йўлида жипслаштираётган давъаткор куч нима экан?

Табийки, бу ўринда маҳалла фуқаролар йиғинлари, уларнинг фидойи ходимла-

ри, жонқуяр оқсоқолу маслаҳатчиларининг хизмату ҳиссасини эътироф этамиз.

Дарҳақиқат, бугун жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг ҳам, мавжуд камчилик ва муаммоларнинг ҳам илдизи, ечим, аввало, маҳалладан топилади. Зеро,

истиқлол йилларидаги ислохотлар самараси ўлароқ, маҳаллалар мавқеи юксалди,

мақоми мустаҳкамланди. Президентимиз айтганларидек, маҳалла — халқ виждонидир. Шунинг учун ҳам фуқаролар деярли барча масалалар юзасидан маслаҳат,




йўл-йўриқ ва кўмак сўраб, даставвал, шу идоранинг эшигини қоққишмоқда.

Юртимизда ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнатини эътироф этиш, муносиб тақдирлаш, қолаверса, маҳаллалар аҳли учун байрам сайлини ташкил этиш мақсадида ҳар йили вилоят, шаҳар ва туманлар марказ-

(Давоми 2-бетда).





лиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Нашрдан Франциянинг сийёсий, қонунчилик ва маданий доиралари вакилларининг мақолалари ҳам жой олган. Улар орасида, жумладан, Франция сенатидаги "Франция — Марказий Осиё" дўстлик гуруҳи раиси, сенатор А. Дюле, Франция Республикаси медиатори Ж.-П. Делевуа, Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш

ўтмоқда. Кўплаб халқаро кузатишчилар иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Молиявий-иқтисодий инкирози энгил ўтиш учун кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса, арзийди".

Ўзбекистон билан Франция сенатлари ўртасидаги муносабатлар аҳоли ва истиқболлари юқори баҳолаб, А. Дюле ҳамкорлигининг иккита устувор йўна-

ни юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва очик жамиятни барпо этишнинг яққол далили, бу — 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилинган. Ж.-П. Делевуа Франция Республикаси медиатори билан Ўзбекистон Республикаси Омбудсмени ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ижобий баҳо берган.

Мақолаларда айтилишича, Франция сармояларининг Ўзбе-

доирасидаги инвестициявий лойиҳалар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилган. МДХ ҳудудидagi биринчи тўлақонли эркин зона бўлган мазкур корхона, шубҳасиз, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Журналда, шунингдек, Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш француз ассоциацияси фаолияти ҳамда Франциянинг Брест шаҳрида тузилган Майн-тепа ассоциацияси, уларнинг халқ дипломатияси, жумладан, икки мамлакат ўртасидаги маданий, илмий ва таълим алоқаларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

"Ўзбекистон — Марказий Осиё жаҳоҳири, халқлар ва цивилизациялар чорраҳаси, юксак сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат" сарлавҳаси остидаги мақола халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасига бағишланган.

"La Lettre Diplomatique"нинг ёзишича, кўп асрлик тарих мероси булган, йирик цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ўзининг юксалётган нуфузи, Марказий Осиёдаги тараққиёт ва барқарорликни таъминлашдаги беқиёс аҳамиятини амалда намойиш этмоқда.

«Жаҳон» АА. Париж

## РИВОЖЛАНИШ УЧУН ИМКОНИЯТ

**Кўнғиротлик Қувват Ўтеков бошқараётган "Мустақиллик" фермер хўжалиги анча йиллардан буён иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб борапти. Ерларни оптималлаштириш натижасида мазкур фермер хўжалигига 54,7 гектар ер қўшилиб, умумий майдон 155,6 гектарни ташкил этди. Ҳозир хўжалиқда 20 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда.**

Йириклашган фермер хўжалиги бу йил 50 гектар майдондан 80,3 тонна пахта етиштириб бериш бўйича шартнома тўзди. Бу ўтган йилдаги ётган ишхотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов хоналари ўртасидаги ҳуж-

жатларни расмийлаштириш, пул ўтказиш, имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш, фермер хўжалиқлари ҳисоботларини статистика ва солиқ идораларига ўз вақтида топшириш осон кечмоқда. Яна бир ижобий жиҳат, йириклашган фермер хўжалиқлари ер майдонларининг кенгайиши ҳисобига ишчилар сони сезиларли даражада камайди.

Қисқаси, фермер хўжалиқлари ерларни оптималлаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги ошмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

дан 30,3 тонна кўп демакдир. Фермер бу йилги ҳосил даромадидан "Ўзқишлоқмашлизи" компанияси орқали янги "ТТЗ-80-11" русумли трактор сотиб олиш ниятида. Бу эса техникалар сонини яна биттага кўпайтиради ҳамда хўжалик ишларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Туманимизда ерларни оптималлаштириш натижасида 256 та фермер хўжалиги ташкил этилди, — дейди Кўнғирот тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Курол Отажонов. — Ҳукуматимиз томонидан ерларни оптималлаштириш борасида амалга оширила-

дан 30,3 тонна кўп демакдир. Фермер бу йилги ҳосил даромадидан "Ўзқишлоқмашлизи" компанияси орқали янги "ТТЗ-80-11" русумли трактор сотиб олиш ниятида. Бу эса техникалар сонини яна биттага кўпайтиради ҳамда хўжалик ишларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Туманимизда ерларни оптималлаштириш натижасида 256 та фермер хўжалиги ташкил этилди, — дейди Кўнғирот тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Курол Отажонов. — Ҳукуматимиз томонидан ерларни оптималлаштириш борасида амалга оширила-

## ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА МАНФААТЛИ

**Банк хизматлари тўғрисида аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ошиб борапти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ишхотлар изчиллигини таъминлашда молиявий муассасаларнинг ўзига хос ўрни бор.**

Зеро, улар томонидан ажратилаётган мақсадли кредитлар ва кўрсатилётган хизматлар истиқболли лойиҳалар рўйбига қанот бағишлётган бўлса, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш борасидаги маҳрум омили тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда.

Наманганда Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, Марказий банки ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан "Омонатлар ва кредитлар" мавзуда ташкил этилган кўргазмали семинарда вилоят банкларининг ана шу йўналишлардаги ютуқ ва тажрибалари намойиш этилди.

Таъкидлаш кераки, вилоят молиявий муассасалари томонидан иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар истеъмол бозорини рақобатбардosh маҳсулотлар билан тўлдирши, жойларда янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Наманганда Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, Марказий банки ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан "Омонатлар ва кредитлар" мавзуда ташкил этилган кўргазмали семинарда вилоят банкларининг ана шу йўналишлардаги ютуқ ва тажрибалари намойиш этилди.

Таъкидлаш кераки, вилоят молиявий муассасалари томонидан иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар истеъмол бозорини рақобатбардosh маҳсулотлар билан тўлдирши, жойларда янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

### Замонавий технология афзалликлари

**"Ё-мой ва озик-овқат саноати" уюшмаси тизимида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи корхоналар сафи кенгайиб бормоқда.**

Маънавий жиҳатдан эскирган айрим корхоналар эса модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига "ёшариб" бормоқда.

Яқинда "Қўқон ё-мой" очик акциядорлик жамиятида 78,8 млн. сўм маблағ эвазига ишлаб чиқариш жараёнидаги технология ускуналари янгарига алмаштирилди, ёни ҳидизлантириш ускуналари сотиб олинди. Шунингдек, ушбу жараёнда 68 млн. сўм микдордаги инвестиция ўзлаштирилди. Буларнинг барчаси маҳсулот таннархининг арзонлашуви ва сифатининг яхшиланишга хизмат қилмоқда.

### Интилиш

гиларига алмаштирилди, ёни ҳидизлантириш ускуналари сотиб олинди. Шунингдек, ушбу жараёнда 68 млн. сўм микдордаги инвестиция ўзлаштирилди. Буларнинг барчаси маҳсулот таннархининг арзонлашуви ва сифатининг яхшиланишга хизмат қилмоқда.

### Ф. КАЛОНОВ.

# ЎЗБЕКИСТОН «LA LETTRE DIPLOMATIQUE» САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Журналда табиатни муҳофазат қилиш, Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик вазият, Ўзбекистон томонидан Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган чоралар, Ўзбекистон Президенти Исом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48 ва 50-сессияларида мазкур масалага бағишланган нутқлари ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ёндашувиغا алоҳида эътибор қаратилган.

Материалларда, шунингдек, Ўзбекистон — Франция муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва ривожланиш истиқболлари, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ва ЕИ билан ўзаро манфаатли ҳамкор-

лини белгилайди. Булар — Ўзбекистон жиддий натижаларга эришган инсон ҳуқуқлари ва фундаментал кадрятлар борасидаги мулоқотни давом эттириш; Орол денгизини сақлаб қолиш ва реабилитация қилиш, негаки, бу муаммо сайёра даражасидаги таҳдид бўлиб, уни ҳал этиш учун бутун халқро ҳамжамият бириштириши даркор.

Журнал, шунингдек, Франция Республикаси медиатори Жан-Поль Делевуанинг мақола-сини ҳам чоп этган. Мазкур сийёсий арбоб 2008 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда бўлиб, Президент Исом Каримов томонидан қабул қилинган. Франция вакили ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, меҳмондўстлиги, мустақиллик йилларида эришилган демократик ислохотларнинг натижалари-

лини белгилайди. Булар — Ўзбекистон жиддий натижаларга эришган инсон ҳуқуқлари ва фундаментал кадрятлар борасидаги мулоқотни давом эттириш; Орол денгизини сақлаб қолиш ва реабилитация қилиш, негаки, бу муаммо сайёра даражасидаги таҳдид бўлиб, уни ҳал этиш учун бутун халқро ҳамжамият бириштириши даркор.

Журнал, шунингдек, Франция Республикаси медиатори Жан-Поль Делевуанинг мақола-сини ҳам чоп этган. Мазкур сийёсий арбоб 2008 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда бўлиб, Президент Исом Каримов томонидан қабул қилинган. Франция вакили ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, меҳмондўстлиги, мустақиллик йилларида эришилган демократик ислохотларнинг натижалари-

лини белгилайди. Булар — Ўзбекистон жиддий натижаларга эришган инсон ҳуқуқлари ва фундаментал кадрятлар борасидаги мулоқотни давом эттириш; Орол денгизини сақлаб қолиш ва реабилитация қилиш, негаки, бу муаммо сайёра даражасидаги таҳдид бўлиб, уни ҳал этиш учун бутун халқро ҳамжамият бириштириши даркор.

Журнал, шунингдек, Франция Республикаси медиатори Жан-Поль Делевуанинг мақола-сини ҳам чоп этган. Мазкур сийёсий арбоб 2008 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда бўлиб, Президент Исом Каримов томонидан қабул қилинган. Франция вакили ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, меҳмондўстлиги, мустақиллик йилларида эришилган демократик ислохотларнинг натижалари-

### Яхши хабар

**Пахтачидаги гишт заводлари сони яна биттага кўпайди.**

### АРЗОН ВА СИФАТЛИ

Умумий қиймати 172 миллион сўм бўлган мазкур корхона "Алишер" хусусий фирмасининг 88,6 миллион сўм маблағи ҳамда 83,4 миллион сўмлик маҳаллий кредит ҳисобидан ишга туширилди. Ҳозир бу ерда 40 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона кунига 20 минг дона гишт ишлаб чиқариб, миқозларга етказиб бераётир. Ушбу маҳсулот сифатлилиги ва арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 11 августдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳоржий валюталарнинг сўмага нисбатан қиймати ҳақидаги қийматини белгилади. \*)

1 Австралия доллари	1252,01
1 Англия фунт стерлинги	2493,43
1 Дания кронаси	284,79
1 БАА дирҳами	406,15
1 АКШ доллари	1491,73
1 Миср фунти	269,80
1 Исландия кронаси	11,76
1 Канада доллари	1379,32
1 Ҳитой юани	218,26
1 Мадагаскар риштиги	426,21
1 Поляндия злотийси	519,10
1 СДР	2335,14
1 Туркия лираси	1015,96
1 Швейцария франки	1380,59
1 Евро	2119,00
10 Жанубий Корея вони	12,19
10 Япония йениси	153,44
1 Россия рубли	47,29
1 Украина гривнаси	193,78

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МИЛЛИЙ БОҒДА «МАҲАЛЛА КУНИ»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ларида анъанавий "Маҳалла кунини" тадбирлари ўтказиб келинади. Истиқлол шодиёналари арафасида ўтказилган мазкур байрам тадбири жорий йилда ҳам жойларда кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Ўтган hafta нихосида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида тўпланганлар шундай тантаналарнинг гувоҳи бўлишди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда пойтахтдаги маҳаллалар оқсоқоллари, маслаҳатчилари ва йиғин фаоллари иштирок этишди.

— "Маҳалла кунини" чинакам халқ сайлига айланди, — дейди тадбирда иштирок этган Чилонзор тумани "Дўнбиробод" маҳалласининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Шониезова. — Бир томонда санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, ажойиб кўргазмалар, беллашувлар одамларга завқ улашайтган бўлса, қовун ва гул сайиллари тадбирга фойз киритди. Қувонарлиси, байрам бахона эл-юрт ишига хисса қўшган маҳалла тизими жонқурали, фаолларининг хизмати, меҳнати яна бир бор эътироф этилиб, улар тадбир ташкилотчилари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Тадбир давомида "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказилган "Маҳалланинг тарихини биласизми?", "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Энг фаол Яраштириш комиссияси", "Энг обод маҳалла", "Онлар куйлаганда" номли кўрик-танловларнинг пойтахт босқичи фойлибларига фойз киритди. Мирзо Улугбек туманидаги "Шалоба" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маждид Қодиров. — Шунда маҳалладошлар фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилган ҳар бир ишни қўллаб-қувватлайдилар, ҳатто, ўзлари янги ташаббуслар билан чиқиб, эзгу мақсадларимиз рўйбига хисса қўшдилар. Биз ҳам фаолиятимиз давомида фу-



Темур ҚУРБОНОВ олган сурат.

қароларнинг муаммо ва ташвишларини яқиндан ўрганаёلمиз. Сўнгра фаоллар билан бамаслаҳат уларга ёрдам кўрсатаёلمиз. Бу борада турли йўналишлар бўйича фаолият юритаётган жамоат комиссияларининг ҳам хизмати катта. Муҳими, аҳоли биз билан ҳамфикр, елкадош. Уйлаيمانки, маҳаллада эришляётган ютуқларнинг бош омилли ана шу ҳамжихатлик, ахилликдир.

"Маҳалла кунини" тадбирлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Тадбир

**Марказий Осиёдаги Фридрих Эберт фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жижаҳда "Суд тизимини либераллаштириш жараёнининг ОАВда ёритилиши" мавзусига бағишланган икки кунлик семинар-тренинг ўтказди.**

### СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА МАТБУОТ

Тадбир иштирокчилари суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги маърузаларни тингладилар. ОАВ ходимлари суд тизимини либераллаштиришга оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Семинар-тренингда, шунингдек, ҳуқуқшунослар ва ОАВ ходимларининг Ўзбекистон ҳуқуқий журналистикаси фаолияти, ҳуқуқий мавзудаги материалларни тайёрлашда замонавий ёндашувлар, таҳлилий мақолалар тайёрлаш технологияси каби мавзулардаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Ғиждувонликлар — тадбиркор халқ. Тиниб-тинчимасликлари, ҳар соҳада янгиликка интилувчанликлари билан ҳам бошқалардан ажралиб туришадилар. Улар орасида, айниқса, элим, юртим, деб яшайдиган фидойий инсонлар жуда кўп. Мана, неча йилдики, қишлоқ болаларига чуқур билим бериб келаятган Саид Раҳмонов ана шундай кишилар сирасига кирди.**

## ДЕПУТАТГА ФИДОЙИЛИК ЯРАШАДИ

Ешларни Ватан равақи йўлида тарбиялашда куч-ғайратини аямаяди, уларни юксак маънавият кишилар қилиб тарбиялашдек эзгу ишга қўшаётган ҳиссаси мактовга лойиқ. Негаки, унинг шоғирдлари 1974 йилдан ҳозирга қадар француз тили фани бўйича республика фан олимпиадасида 23 марта ғолиб бўлишган.

— Саид Раҳмоновнинг депутатлик фаолияти ҳақида тўхталишдан аввал, унинг ҳақиқий ижодкор ўқитувчи эканини таъкидламоқчиман, — дейди кекса педагог, меҳнат фахрийси Ҳасим Ражабов. — Республика Халқ таълими вазирлигининг тегишли

қарорига биноан, у давлат таълими андозалари асосида республикамиз мактабларининг 6 ва 9-синф ўқувчилари учун француз тили дарслиги, француз тилидан машқлар тўплами ва махсус ўқитувчилар китобини яратди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳиси Саид Раҳмонов 2002 йилда француз тилини ўқитиш ва ўргатишдаги хизматлари учун Франция Республикасининг "Пальма" орденини олган. 2003 йилда эса мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан, "Шухрат" медали билан тақдирланган. Шу боисдан ҳам мен бу фидойий педагог 44-Букторай сайлов округидан вилоят кенгаши де-

путати этиб сайланганида, сира ажабланганим йўқ.

Ҳа, сайловчилар адашишмаган экан. У ҳозирда аҳоли ишончини тўла-тўқис оқлаб келмоқда. Хусусан, унинг халқ депутатлари вилоят кенгаши Ешлар масалалари муайян ишлар амалга ошириляётир.

### Маҳаллий кенгашларда

Худойқуллова. — Бундан ташқари, Бўхоро давлат университети, озик-овқат ва энгил саноат технологияси институтини ҳамда қатор

томонидан амалга ошириляётган изчил ишхотларнинг аҳамияти аҳолига тушунтириш ҳамда мавжуд муаммоларни имкон қадар бартараф этишда камарбаста бўлишмоқда. Мана, масалан, вилоят ногирон болалар

соғлигини қайта тиклаш ва давлатлиқ маркази ҳамда Бўхоро шаҳридаги Муҳаммедовлар оилавий Меҳрибонлик уйда ўтказилган хайрия тадбирлари ҳамон кўпчиликнинг ёдида.

— Етти нафар депутатдан ташкил топган доимий комиссиямиз аъзолари ўз фаолиятларини эркин, ошкоралик тамойиллари асосида олиб боришмоқда, — дейди С. Раҳмонов. — Масалаларни атрафлича ўрганиш, муҳокама қилиш, қарорлар ижросини таъминлашда ташаббус кўрсатиш уларнинг сайловчилар олдидagi обрў-эътиборларини оширмоқда. Депутат ҳафтаининг ҳар сешанба кунини сайловчилар билан учра-

шади. Уларнинг муурожаатларини ўрганади. Тегишли ташкилотлар орқали у ёки бу масаланин ечимини топади. Чўночи, йўл қурилиши ташкилотлари кўмағида 4 километр тузулликдаги қишлоқ йўли асфальт қилинди. У, шунингдек, туман Бандликка қўмақлаштириш маркази ва коллежлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказишда фаоллик кўрсатмоқда. Натижада кейинги вақтда кўплаб йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Ғиждувондаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг директори вазирадасида ишлаётган депутатимизни яқинда хушқайфиятда учратдик. Маълум бўлишича, у бошлиқ жамоа "Йилнинг энг яхши иختисослаштирилган мактаби" кўрик-танлови республика босқичида фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилди. Ўз иш фаолиятини фидойилик билан олиб бораётган депутатимизнинг ушбу ютуғидан ҳам ҳар қанча қувонсак, арзийди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хунрезлик содир этилди


Ироқ пойтахти Бағдод шаҳри ҳамда Мусол шаҳри атрофида бир қатор кўпуровчилик ҳаракатлари амалга оширилди.

Жумладан, мамлакат шимолидаги Мусол шаҳри яқинида жойлашган Хазна қишлоғида содир этилган хунрезлик оқибатида 25 киши ҳалок бўлган, 70 киши тан жароҳати олган.

Хозирча мазкур қабиҳликнинг ташкилотчилари маълум эмас. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Кема озод қилинди

Италиянинг сомалилик қароқчилар томонидан гаровга олинган "Vissapee" номли шатакчи кемаси озод қилинди.



Бу ҳақда Италия ташқи ишлар вазири Франко Фраттини "Sky Italy" телеканали орқали маълум қилди.

қўлига тушган мазкур кемада 16 нафар экипаж аъзоси бўлган.

Ф. Фраттини мазкур ишни амалга оширишга кумаклашган Сомали ҳукумати, минтақадаги халқаро харбий-денгиз кучларига ва Италия махсус хизмати ходимларига миннатдорлик билдирган.

Тураржойда ёнғин


Франциянинг Сена-Сен-Дени департаментидаги кўп қаватли тураржой биноларида бирида ёнғин содир бўлди.

"France Press" ахборот агентлиги хабарига кўра, ёнғинни бартараф этиш учун 150 нафар ўт ўчирувчи икки соатга яқин ҳаракат қилган.

Хозирча ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари маълум эмас. Воқеа жойида текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Кушлар галасига тўқнашиб кетди

"Northwest Airlines" авиакомпаниясига тегишли самолёт АКШнинг Шимолӣ Каролина штатидаги "Роли-Дарем" халқаро аэропортига фавқулодда қўндирилган.



Бунга ҳаво лайнерининг самодиа кушлар галасига тўқнашиб кетиши сабаб бўлган.

1990-2009 йиллар мобайнида "Роли-Дарем" аэропорти кушлар галасига тўқнашиб кетган олти лайнерни шомалининг равида қабул қилишга мажбур бўлган.

"Моракот" ва "Этау"дан азият чекишмоқда

Осиёнинг бир қатор давлатлари аҳолиси кучли тўфонлардан азият чекишмоқда.


Жумладан, Тайвань мамлакатига юз берган "Моракот" тўфони 12 кишининг ўлимига сабаб бўлган, 52 киши эса бедарак йўқолган.

Япониянинг Хиого, Окаяма ва Токусима префектураларида яшовчилар эса "Этау" тўфонидан зиён кўришмоқда.

Хитойда соатига 119 километр тезликка эсаётган кучли шамол ҳамда тинимсиз ёғаётган ёмғир уйлар ва экин майдонларига зарар етказган.

Филиппин аҳолиси ҳам "Моракот" тўфонидан жабр кўрмоқда.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



КРЕДИТЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА

Бу вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтиришга ҳамда уларнинг инвестиция фаолиятини кенгайтиришга кенг йўл очиб беради, албатта.

Президентимизнинг шу йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитлариغا аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишнинг амал бўлмоқда.

Хозирги кунда мазкур бўлимининг миқдори сони 56392 нафарни ташкил этади.

Хозирча мазкур бўлимининг миқдори сони 56392 нафарни ташкил этади. Уларнинг 8102 нафари юридик шахсдир.

Айниқса, бўлимда аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул

малага чиқарилган бўлиб, улар ўз эгаларига маълум маънода наф келтираётти.

Шу билан бирга, жамоа банк капитали ҳажмини янада кўпайтириш пайида.

Кувонарлиси, айни пайтда банк бўлимининг миқдорлари хисобланган 80 та йирик корхона ва ташкилот ходимларининг иш ҳақлари ҳам пластик картонкалар орқали берилаётти.

Хозирги кунда шахар ва туман ҳокимликлари, манфаатдор идоралар, йирик корхона ва ҳўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорликда чакана савдо ҳамда хизматлар соҳаси объектлари, автомобилларга

КОМПЬЮТЕР ТУГМА ҚАДАЙДИ

Денов шаҳридаги "Смарт текстиль" масъулияти чекланган жамиятида бугун ўттиз турдаги кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жараён

Албатта, маҳсулотни арзонлаштириш билан бирга, унинг сифати ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, жамоа банк капитали ҳажмини янада кўпайтириш пайида.

Кувонарлиси, айни пайтда банк бўлимининг миқдорлари хисобланган 80 та йирик корхона ва ташкилот ходимларининг иш ҳақлари ҳам пластик картонкалар орқали берилаётти.

Хозирча мазкур бўлимининг миқдори сони 56392 нафарни ташкил этади.

«ЭЪТИРОФ — 2009»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот ҳамда интернет нашрларида жамият ҳаётида қанақадан қанақадан тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрлари шакли ҳамда мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонига ўз ўрнини эгаллаш, рақобатбардор бўлиши, нуфузи ошишига кўмаклашиш ва рағбатлантириш, йилнинг энг яхши босма ва интернет нашрларини аниқлаш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф — 2009» танловини эълон қилади.

31 декабригача олиб борган фаолияти натижаларига кўра аниқланади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Танлов номинациялари: — энг яхши ижтимоий-сиёсий газета; — энг яхши тармок наشري; — энг яхши болалар наشري; — газета/журналнинг энг яхши дизайни учун; — энг яхши веб-сайт; — йилнинг энг фаол наشري.

Танлов иштирокчилари фаолияти нуфузли экспертлардан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади, голиблар аниқланади.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари. Голиблар 2009 йилнинг 1 январидан 2009 йилнинг

Танлов аънаваный бўлиб, голиблар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2010 йил бошида ташкил этиладиган республика конференцияси доирасида эълон қилиниб, тақдирланади.

Хар бир номинация бўйича танлов голиби Жамоат фонди дипломи ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси. томчилатиб сўғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида гўзани, боғ ва иссиқоналарни томчилатиб сўғориш тизимларини сотиб олишни тақлиф этади.

«TITAN BIZNES» МЧЖ. Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган. ҲАҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 сўмдан тақлиф қилади.

Официальный дистрибьютор. ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ. КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ».

Завод TEMZ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А. АВТОКРАНЫ: КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ, КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ, КС-5574 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача.

ПЛ «SHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшидаги Тиббиёт санитария бирлашмаси жамоаси бирлашма бошлғи мудири Нуриддин Юлдашевч ТОҒАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасини қишлоқ врачлик пунктлари мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Ғаллаорол тумани "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сарбозор қишлоғи аҳолиси орасида туман марказий шифохонасига борувчилар кам. Бу ердаги қишлоқ врачлик пунктида даволашни улар учун ҳар томонлама қулай. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган гамжўрлик туфайли бу ерда ҳам марказдан қолишмайдиган шароитлар яратилган.

Хизмат кўрсатиш ҳудудининг кенглиги қишлоқ врачлик пункти иш фаолиятининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Вилоятдаги қишлоқ врачлик пунктларининг аксарияти оралиғи 15-20 километр бўлган бир неча қишлоқ аҳолисига

мавсумий эмас, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси «Саломатлик-2» бюросининг директори Салим Мўминов. — Қишлоқларда тиббий хизматни намунали йўлга қўйиш тизимли асосда олиб боришда. Утган йили

# ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Ҳозирги кунда тўққиз мингдан ортиқ аҳолига хизмат қилаётган Сарбозор қишлоқ врачлик пункти 2001 йилда элик қатновга мўлжалланган янги бинода иш бошлаган эди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган, беш нафар малакали врач, йигирма нафар ҳамшира, икки нафар кичик тиббиёт ходими ишлаётган муассаса сув ва иситиш тизимига эга, зарур тиббий аппаратлар ва жиҳозлар билан таъминланган.

Шу йилнинг ўтган даврида тиббий қўриқдан ўтказилган туғиш ёшидаги аёлдан юз нафар стационар, минта яқини амбулатория шароитида соғломлаштириди. Барча зарур профилактик тадбирлар, даволаш ишлари намунали йўлга қўйилгани учун қишлоқ аҳолиси ўртасида, айниқса, оналар ва болаларда учрайдиган турли касалликлар кўрсаткичи йил сайин камайиб бораётир. Жиззах вилоятида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури асосида жойлардаги бирламчи тиббий-санитария хизматини ривожлантиришга кўзга қўйилган ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят бўйича ҳозирга қадар 174 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этил-

ди. Уларнинг 87 таси учун янги бинолар қурилди, қолганлари эса реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилиди. 2007 йилдан бошлаб қишлоқ врачлик пунктларининг «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик доирасида тиббий аппаратлар ва жиҳозлар билан таъминланиши мазкур муассасаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2008 йилда Жаҳон банки томонидан ажратилган грант маблағлари эвазига 124 та қишлоқ врачлик пунктига 44 турдаги тиббий аппаратлар, мебеллар ва лаборатория, ташқи воситалари олинди.

хизмат кўрсатаётир. Шу боис қишлоқ шифохоналарини тиббий хизмат автоматизацияси билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. 2008 йилда Жиззах, Пахтакор, Ғаллаорол, Бахмал, Зарбдор, Дўстлик, Янгибод туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларига «Дамас» русумидаги махсус автотранспорт воситалари берилган бўлса, бу йил яна 15 та қишлоқ тиббий муассасаси шу русумдаги автомашина, тоғли туманлардаги 5 та қишлоқ врачлик пункти эса «УАЗ» автомашиналари билан таъминланди.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ички имкониятлар ҳисобидан 58 та қишлоқ врачлик пункти биноси таъмирдан чиқарилиди. 60 та муассасада босими сув таъминоти, 26 тасида каналлация тармоқлари ишга туширилди. Қишлоқ врачлик пунктларидан 50 тасида иситиш, 32 тасида электр таъминоти тизими таъмирланди. Бу тадбирларга қарамай, қишлоқ врачлик пунктларининг ҳаммаси ҳам бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Айрим қишлоқ шифохоналарига ичимлик суви ташиб келтирилётгани аҳолига ҳам, шифокорларга ҳам муайян қийинчиликлар туғдирмади. Шунинг учун «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида аҳоли

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАН 21 ТА МЕДАЛЬ



**1-9 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган яққаураш спорт турлари бўйича I Осий ўйинларини қўтамиз спорт илҳосмандлари қатори барча ўзбекистонликлар ҳам диққат билан кузатиб боришди. Утган ақшанба кун Бангкокдаги муҳташам спорт мажмуасида яққаураш спорт турлари бўйича I Осий ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.**

Осий ўйинларида қитъанинг қирқдан ортиқ мамлакатидан келган 2500 нафар спортчи кикбоксинг, муайтай, каратэ-до, таэквондо (ВТФ), пенчак-силат, жу-житсу, дзюдо, кураш ва ушу каби тўққизта спорт тури бўйича ўзаро беллашди.

Бугун биз шуни ишонч билан айта оламизки, ўзбек спортчилари Осий қитъасининг энг нуфузли мусобақасида ҳеч қимдан кам эмасликларини амалдан намойиш этиб, Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллик байрамига ажойиб соғва ҳозирладилар.

Осий ўйинларида 43 нафар вакилимиз дастурдаги тўққизта спорт тури бўйича қатнашиб, **4 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза (жами 21 та)** медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида қирқдан ортиқ мамлакат спортчилари орасида 8-ўринни эгаллашди. Медаллар сони бўйича эса кучли бешликдан жой олдилар.

Китъанинг ўзига хос кичик Олимпиадасида миллий спортимиз — кураш бўйича иштирок этган вакилларимиз, айниқса, турнирда муваффақиятли қатнашдилар. Терма жамоамиз ҳисобиданги турта олтин медалдан ўтасига курашчиларимиз эгаллик қилишгани ҳам фикримизни исботлайди. Бундан ташқари, полвонларимиз битта кумуш ва иккита бронза медалларига ҳам сазовор бўлдилар. Тайквондо лозимки, ўн бир йил муқаддам Президентимизнинг бевосита гамжўрликлари туфайли халқаро спорт тури сифатида эълитроф этилган кураш айни пайтда дунёда кенг оммалашиб бормоқда. Бангкокда кураш бўйича ўтган мусобақалар қизиқарли ва томошаболиғи билан мутахассислар эътиборига

### Ўзбекистон табиати ранг-баранглиги, айниқса, бағрида ноёб ҳайвонот ва наботот турларини ҳамлағани билан ажралиб туради. Мамлакатимизда табиатни асраш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли йўқолиб бораётган турларни сақлаш ва кўпайтиришга муваффақ бўлиняпти.

**Тўқайга зеб берган хонгул**

Беруний туманида жойлашган "Бадай-Тўқай" давлат қўриқхонасида ҳам бу борада самаралар ишлар амалга оширилляпти. Гап шундаки, қўриқхона ҳудудида ноёб ўсимликларнинг 160, қушларнинг 94, сут эмизувчиларнинг 12, бақиларнинг 16, судралиб юрвчиларнинг 11 тури мавжуд бўлиб, улар табиат қўйнида яшаб, кўпаймоқда. Улар орасида Бухоро бугуси, яъни хонгулнинг ўрни булакча.

Бу ерга ил бор 1976 йилда ушбу жониворларнинг 3 боши келтирилган эди. Қўриқхона жамоасининг ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, уларни кўпайтириш йўлидаги машаққатли ҳозирда уларнинг сони 400 бошдан ортиди.



Арслон КАННАЗАРОВ (Ў.А) олган сурат.

## ФИРИБ ТҮРИ

**Дунёда касблар кўп. Инсон туғилибдики, бирор касб-хунарнинг эстагидан тутиб, оиласи, қўни-қўшилари, маҳалласи, юрти-диёри қорига яраш, қўлидан келганича ҳиммат кўрсатиш ҳаракатида бўлади.**

Афсуски, айрим бетайин кимсалар одамларни алдаш, фирибгарлик, ёлғон-яшиқ ишлар, хуфийна ҳаракатлар билан кун кўриш, сойлик ортиришни касб қилиб оладилар. Фарғоналик Элбек Тажиров ҳам ана шундай "юлдузани бенарвон урадиган"лар тоифасидан чиқиб қолди. Балки сиз уни оми йилги, бу йўлга амалдаги қонуларни тушунамасдан, билмасдан кириб қолгандир, деб уйлариоз. Йўқ, ундай эмас. Негаки, у қирқ ёшга қоралаб қолган, олий маълумотли, хукуқшуносдир.

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларни яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан табриқлайди ва қўйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:	
«ЗИЁЛИ»	Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 фоизгача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
«ТОШКЕНТ—2200»	Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 фоиз ҳисобланади.
«ИШОНЧЛИ»	Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:	
«УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларид	Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

Ушбу омонат турларини банкининг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сергели филиали	(371)	258-67-43
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8. Асака филиали	(374)	233-13-69
9. «Фарход» филиали	(374)	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11. Марғилон филиали	(373)	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	(373)	432-10-11
13. Кўкон филиали	(373)	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

### БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

- Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
  - маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
  - эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
  - миқдори чекланмаган.

### «Пахтакор» — ўн карра кубок соҳиби

**8 август кунин футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасининг 2009 йилги ғолиби аниқланди.**

Тошкентдаги марказий "Пахтакор" стадиониде мамлакатимизнинг икки энг кучли жамоаси — "Бунёдкор" ва "Пахтакор" финал беллашувида ўзаро куч синашишди.

Финал тақдирини ягона гол ҳал қилди. Биринчи бўлимнинг ўрталарида "Пахтакор" ярим ҳимоячиси Станислав Андреев томонидан киритилган тўп Виктор Жалилов шогирдларига 2009 йилги Ўзбекистон кубоги ғолиби, деган шарафли номни келтирди. Бу "Пахтакор" жамоасининг ўзининг бор кубокини қўлга киритишидир.

### ОБ-ҲАВО (11 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик қузатилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСАЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиёт 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов. Навбатчи — Ф. Аббосов. Мусаҳҳах — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 21.15 Топширилди — 00.10 12.45